

## **ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАТИШДА МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИ.**

*Ҳамдамов У.Э.*

*ГулДУ.*

Таълим самарадорлигини оширишнинг энг синалган усулларидан бири бу - машғулот жараёнида талабаларнинг фаоллигини мустақил таълимни ташкил этиш орқали ошириш ҳисобланади. Талабалар индивидуал мустақил фаолият давомида муҳим билим ва кўникмаларини яхши ўзлаштиришини ҳисобга олсак, замонавий машғулот жараёнида мустақил таълимнинг ўрни жуда муҳимдир. Етакчи педагоглар доимо барча фанларда таълим олувчилар имкон қадар мустақил ўрганишлари, ўқитувчилар эса бор-йўғи ушбу жараённи бошқариб туриши ва керакли материалларни тақдим этиб турса бўлгани, деб ҳисоблайдилар. Талабалар билим ва кўникмаларни эгаллашларини ташкил этиш учун, аввало, уларни йўналтирувчи, йўл кўрсатувчи восита билан таъминлаш зарур. Аниқроғи, уларни ақлий меҳнатни тўғри ташкил этиш учун зарур билим ва кўникмалар билан таништириш лозим. Бу, уларни аниқ мақсадни аниқлай билиш, унга етишиш йўлида зарур воситаларни тўғри танлай олиш, бажариладиган ишни тўғри режалаштира олиш ва вақтни тўғри тақсимлай олишга ўргатиш деганидир. Хар томонлама баркамол шахсни шакллантириш учун, шахсни мустақил таълим жараёнида муаммоли вазиятни ечиш усулларини қидириш каби характерни уйғотувчи тадбирларга мунтазам равишда жалб этиб туриш керак. Таълим тизимида ўз устида мустақил ишлаш методини нафақат инновацион метод сифатида, балки тарихда синалган ва муваффақиятли, қадимги метод деб ҳам аташимизга асос бор. Фикримиз далили сифатида айтишимиз мумкин-ки, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Ал – Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк

аллома аждодларимиз, Д.И. Менделеев, И.Ньютон, Г.Галилей, А. Эйнштейн, М.Фарадей каби жаҳон олимлари ҳам эришган барча ютуқлари ва бизга қолдирган кашфиётларига ўзлари мустақил изланиб, ўрганиб ва тажрибада синаб эришганлар.

Г. М. Муртазин талабалар мустақил таълими жараёнини тавсифлар экан, у дарсда талабаларнинг англаб етиши ўқитувчининг аралашувисиз, бироқ ўқитувчи топшириқ бериш ва уни назорат қилиш учун ҳам мустақил таълим учун ўз вақтини ажратиши лозим, дея таърифлайди. Г. М. Муртазин мустақил таълимнинг 5 та белгисини кўрсатиб ўтади:

- ўқитувчининг топшириғи асосида бажариш;
- махсус белгиланган вақтда бажариш;
- ҳеч бир истисносиз гуруҳдаги барча талабаларни мустақил таълимга жалб этиш;
- мустақил таълимнинг ўқитувчи иштирокисиз бажарилиши;
- англаш ва фикрлаш фаолияти, шунингдек ҳаракатлантирувчи амалларни киритиш.

Талабалар мустақил таълимини таснифлаш борасида олимлар турфа хил фикрларни изҳор қиладилар. Дидакт ва услубиётчилар орасида мустақил таълим таснифи айниқса билимлар манбаси кўринишида кенг тарқалган. Уларнинг таркибига мустақил таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган дарслик (ўқув қўлланма), газета, қўшимча адабиёт, тасвирлар, расмлар, хариталар, атласлар, гербарийлар, минераллар тўплами ва бошқа манбаларни киритиш мумкин. Бу каби таснифлаш, мисол тариқасида, В.П. Стерикозин томонида 1968 йили ишлаб чиқилган. У мустақил таълимни қуйидаги турларга бўлади :

1. Дарслик ва ўқув қўлланмаси билан ишлаш.
2. Турли маълумотлар берадиган ёрдамчи адабиёт (статистик тўпламлар, фаннинг маълум бир соҳаси бўйича маълумот берадиган адабиёт, луғатлар, қомуслар ва шу кабилар) билан ишлаш.

3. Топшириқларни ечиш ва уларни тузиш.
4. Ўқув машқлари — оддий ва дафтарларда босма кўринишда.
5. Иншо ва баёнлар.
6. Кузатишлар ва лаборатория ишлари.
7. Турли иллюстрация, харита, чизма, график ва тарқатма материалларни қўллаш билан боғлиқ топшириқ — вазифалар.
8. График топшириқлар.

Б. П. Есипов қуйидаги мақсадларга кўра мустақил таълимни қуйидагича бўлади:

- янги билимни эгаллаш;
- ўзлаштирилган билимни амалиётда қўллаш;
- такрорлаш ва талабалар билими, маҳорати ва кўникмаларини текшириш.

Мустақил таълимнинг билимлар манбаи билан бўлган топшириқлари мақсадлардан келиб чиққан ҳолда бир-биридан фарқ қилиши мумкин:

- содда саволлар;
- мантиқан бир-бирига боғлиқ саволлар;
- турли матнлар (тўғри жавобни топиш ва шу каби топшириқларга йўналтирилган альтернатив матн);
- тавсиялар ёки режалар;
- қисқа талаблар (дарслик эскизини чизиш ва ҳоказо);
- миқдор, сифат, англовчи, тайёргарлик (билимларни мустаҳкамлаш)га йўналтирилган топшириқлар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, мустақил таълимнинг бир қатор таснифи мавжуд, билимлар манбаси бўйича мустақил таълимнинг тасниф кўриниши эса ёрдамчи ҳисобланади. Китоб, харита, жадвал ва улар билан ишлаш мазмунли мақсадларни талаб қилади. Агар ўқув материални зарур билим ва кўникмалар билан биргаликда эгалланса, у ҳолда бу каби тасниф педагогик фаолиятда муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ўқитувчилардан мустақил

таълим учун топшириқларни билимлар манбаи ва уларнинг турларидан келиб чиққан холда тузиб чиқишлари талаб этилади. Топшириқларни ажратиб олишдаги энг асосий мезон эса ўқув материалининг ўзига хослиги ва унинг мураккаблиги ёки осон ўзлаштирилишидир. Таълим тизимида инновацион технологияларга оид адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, “сен буни ўқишинг ва билишинг керак” дея кўп такрорланувчи даъватлардан кўра, “Менга бу зарур ва мен буни албатта ўрганишим, ҳаётим давомида ундан фойдаланишим керак” деган фикр самарадорлиги сезиларли даражада юқори. Бунинг эффективлик даражаси эса уларда ўқиш ва меҳнатга лаёқатлилигини ошганлигида, индивидуал ривожланиш даражаси тез суръатда ўсганлигида, ўқишни битиргач иш билан таъминланишда муаммоларга дуч келмаслигида, интеллектуал рақобатнинг кучайганлигида, ғояларнинг хилма-хил ва ранг-баранглигида намоён бўлмоқда. Олиб борилган илмий изланишлар, кузатувлар шундан далолат берадики, ўз устида мустақил ишлаш билимларни мустақил эгаллаш ва эркин фикрлаш малакаларини шакллантиради. Бўлажак ўқитувчи ўз фанининг жонкуяри, фидоиси бўлса, ўз устида узлуксиз ишласа, услубий маҳоратини, назарий билимини ошириб борса, ҳар доим шу фанга қизиқувчи муносиб шогирдларни тарбиялай олади. Мустақил таълим олишнинг яна бир афзаллик жиҳати шундаки, унда замонавий ахборот-коммуникация воситаларига муурожаат қилиш, шу асосида компьютер ҳамда информацион технологиялар билим ва кўникмаларига эга бўлиш ўз-ўзидан амалга оширилади. Бугунги кунга келиб ахборот тезлиги максимал даражага етган бўлиб, глобал тармоқдан исталган маълумотни бир неча сонияда, исталган (матнли, графикли, расмли, аудио ва видео) кўринишда қабул қилиш, сақлаш, фойдаланиш ва ўзгартириш мумкин. Бу эса ўз устида ишлаётган ҳар бир бўлажак ўқитувчига изланишдан тўхтаб қолмаслиги учун янги фикрлар ва ғоялар беради. Уларни узлуксиз ахборотлар билан таъминлаб туради, ҳамда ўқитишнинг замонавий техник воситаларидан фойдаланиб масофавий таълим тизими орқали чет эл

мамлакатлари ўқув жараёнида қатнашиш имкониятини беради. Янги педагогик технологияларни таълим жараёнига жорий қилиш юқорида санаб ўтилган мақсадларни амалга оширишга кенг йўл очиб беради. Хозирги кунда узлуксиз мустақил таълим олиш ва ижодий изланиш қобилиятига эга бўлган кадрларга эҳтиёж ошиб бормоқда. Ўз устида мустақил ишлаш қобилияти мутахассиснинг муҳим касбий сифати деб қаралмоқда. Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки бўлажак инглиз тили ўқитувчиларидан фақат тилни ўрганиш эмас балки билиш фаолиятини такомиллаштириш учун янги имкониятлар яратувчи, таълим сифатини оширувчи, жадаллаштирувчи усул ва воситаларни ўқув жараёнига киритиш ҳам талаб этилади.

#### **Адабиётлар руйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш буйича Хдракатлар стратегияси тугрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Додж Б.Ж. Веб-квест узи нима? [Электрон ресурс]. - Кириш режими: <http://webquest.org/>.
3. Додж Б. Веб-квестлар хақида баъзи фикрлар. - 1995-1997. Кириш режими: [http://webquest.sdsu.edu/about\\_webquests.html](http://webquest.sdsu.edu/about_webquests.html).
4. Калугин Ю.Е. “Касбий жихатдан уз-узини тарбиялаш” тушунчасининг муҳим хусусиятларининг изохи// Наука ЮУрГУ. - 2015. - б. 1939-1943.